

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИСАҚУЛОВ ТҮЛҚИН МАҲМУД ЎҒЛИ

**“ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИДАН 3D
ФОРМАТЛИ ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМА ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИ (5-СИНФ МИСОЛИДА)**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Исақулов Тўлқин Маҳмуд ўғли

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва фойдаланиш методикаси (5-синф мисолида) 3

Исақулов Тулқин Маҳмуд угли

Методика создания и использования электронного пособия в формате 3D по предмету «информатика и информационные технологии» (на примере 5-го класса) 22

Isaqulov To‘lqin Mahmud o‘g‘li

Methodology for creating and using an electronic manual in 3D format on the subject of “computer science and information technology” (using the example of the 5th grade) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИСАҚУЛОВ ТЎЛҚИН МАҲМУД ЎҒЛИ

**“ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИДАН 3Д
ФОРМАТЛИ ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМА ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИ (5-СИНФ МИСОЛИДА)**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1508 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадрокот институтидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (tdri) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Самар Қўтєвєвич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Кардыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Маматов Дилмурод Нормуратович
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Етиқчє тинқилот:

Тулєстон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкєнт давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc 03/30.01.2020 Ped.26.01 рақамли илмий кенгашининг 2022 йил "25" 08 соат 8:00 даги илжиссида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкєнт шаҳри, Чилонгор тумани, Бунєдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (+99871) 255-80-86; факс: (+99871) 256-76-51; e-mail: tdri_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкєнт давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин 150-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкєнт шаҳри, Чилонгор тумани, Бунєдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (+99871) 255-80-86; факс: (+99871) 256-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил "15" 08 да тарқатилди.
(2022 йил _____ даги 53-рақамли реєстр баєнномаси).


И.С.Абдуллаева
Илмий даража берувчи илмий
профессор
И.А.Муслимов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий қўшма ф.и. доцент
И.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қўшидаги Илмий семинар раис ўринбосари,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим муассасларида 3D форматли электрон ресурслар яратиш ва улардан фойдаланишнинг креатив моделлари амалётга киритилмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб, сифатли таълим беришлар ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштиришда ахборот-таълим технологиялари, очик таълим ресурслари, оммавий онлайн очик курслар, мобил таълим технологиялари, таълимни бошқариш тизимлари ҳамда электрон таълим муҳитида 3D технологияларнинг имкониятларидан таълим муассасаларида мактабларида фойдаланиш бўйича тизимли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва электрон қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ҳамда технологик ёндашувларнинг ўқитиш самарадорлигига таъсир этувчи хусусиятларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларда ахборотлар билан ишлаш “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларни шакллантириш, ушбу ўқув предметининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини илмий нуқтаи назардан асослаб бериш фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асосларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда умумий ўрта таълимни инновацион ривожлантириш, таълим сифатига эришиш ва таълим олувчиларнинг билимдонлик даражасини халқора талабларга етказишда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ахборот-таълим муҳитидан фойдаланишни кенгайтиришнинг меърий асослари яратилмоқда. “Ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланган. Бу борада 5-синф Информатика ва ахборот технологиялари фанидан асинхрон таълим олишга йўналтирилган фаол электрон таълим муҳитини яратиш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг диагностик аппарати, ўқитиш тузилмасини таълим технологиялари ва электрон қўлланмалар интеграцияси асосида такомиллаштириш, имкониятлари кенгайтирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 октябрдаги ПК-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси ва методологияси, ўқув жараёнида Интернет технологияларидан фойдаланиш усуллари, масофадан ўқитиш технологиялари А.А.Абдуқодиров, Б.С.Абдуллаева, М.Х.Алламбергенова, У.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, А.К.Жамолов, Ф.Закирова, А.Е.Ибраймов, А.З.Каримов, М.Х.Лутфуллаев, Д.Н.Маматов, У.М.Мирсанов, Н.А.Муслимов, А.Х.Нишонов, Б.М.Суропов, Н.И.Тайлаков, У.Н.Тайлаков, С.Қ.Турсунов, Ш.Шадманов, Т.Т.Шоймардонов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, Г.С.Эргашева, З.Х.Юлдашевлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган;

МДХ педагог олимларидан электрон таълим муҳитининг функционал имкониятлари, замонавий электрон таълим ресурслари ҳамда уларнинг дизайнлари борасида А.А.Андреев, О.Е.Белова, В.А.Брылёва, Н.А.Гончарова, Ю.П.Господарик, В.В.Гура, А.В.Данилькевич, З.Н.Исмаилова, В.А.Куклев, Э.С.Матосов, А.Л.Назаренко, О.А.Тарабрин, А.Ю.Уваров, А.В.Хуторской, Э.П.Черняева, А.Чирцов, Е.В.Якушиналар илмий ишлар олиб боришган;

Хорижлик олимлари тамонидан электрон таълим муҳитини шакллантириш, электрон таълим ресурсларини яратиш ва фойдаланиш муаммолари бўйича, Р.Alfred, К.С.Barker, М.А.Gricz, А.V.Degtyareva, О.Jennifer, J.Zhang, О.Erstad, С.А.Латушкина, М.Lin, Е.А.Михлякова, О.А.Мудракова, Е.Novak, М.L.Koole, В.Means, W.Olatokun, К.Peters, М.Sugata,

Т.Н.Суворова, D.A.Chebotareva, J.Traxler, B.Furuholt, S.Wisdomлар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0910154408-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш” (2014–2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс жараёнларини ташкил этувчи 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

3D форматли электрон қўлланма асосида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс фаолияти мониторингини олиб боришнинг интеграллашган электрон тизимини такомиллаштириш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарсда ва дарсдан ташқари ўқув жараёнларида 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва фойдаланиш методикасини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 24-сонли ва Оқдарё туманидаги 15-, 34-сонли, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 15-, 134-, 219-сонли ва Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 6-, 83-сонли умумий ўрта таълим мактабларидан жами 503 нафар 5-синф ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, методлари, шакли ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов иши, сўровнома, тест, суҳбат, баҳс-мунозара, on-line мониторинг, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани таълим олувчилар ўртасида маълумот алмашилиш, янги тасаввурлар, ғоя ва фикрлар электрон таълим муҳитини яратиш функциясини визуал тасвирлаш имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс фаолияти мониторингини олиб борувчи 3D форматли электрон қўлланма мазмуни тескари алоқани ўрнатиш, ўқувчининг мотивациясини мақсадли ошириш, креатив фикрлашни мотивацион ривожлантириш тамойилларга асосланган электрон-таълимий ресурслар захираси такомиллаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолияти мустақил ижодий имкониятларини ахборот тизимларини қуриш тамойиллари, мантиқий маълумотлар моделларини босқичма-босқич кенгайтириш, касбий-яратувчанлик, аналитик-синтетик тафаккур параметрларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан электрон таълим муҳитида 3D форматли электрон қўлланмаларни қўллаш самарадорлиги тасодифий функциялар статистик назариясидан фойдаланиш негизида натижавий модел аниқлиги бўйича назоратлаш элементларини электрон контент ва автоматик баҳолаш имкониятларига трансформациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид мультимедиали иловалар, тақдимотлар, кўргазмали куруллар, мазкур фан мазмунининг ДТСга мослиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим марказининг метод бирлашмасида кўриб чиқилган ҳамда республикамиз умумий ўрта таълим мактабларига тавсия этилган;

умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф учун “Информатика ва ахборот технологиялари” дарсларида 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланиб дарс ўтиш методикаси такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган метод, восита ва усуллар, улар асосида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, мамлакатимиз, МДХ ва хорижий олимларнинг тадқиқотларидан келтирилган таҳлиллар, тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадорлигининг Стьюдент-Фишер критерияси асосида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади; муаммо республика, МДХ ва халқаро

илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК томонидан эътироф этилган республика ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар орқали эълон қилинганлиги, шунингдек, республика интеллектуал мулк агентлигида расмий рўйхатдан ўтказилган № DGU 09229 рақамли гувоҳнома ва “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқитувчилар ва ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган услубий қўлланма воситасида асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тузилма, алгоритм, ўқитиш модели ва яратилган 3D форматли электрон қўлланмалар ёрдамида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” таълимига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” таълими жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича таклиф этилган ахборот таълим муҳити ва унга жойлаштирилган 3D форматли электрон қўлланмалар ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқув фаолиятида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўрганиши ҳамда ўз билимларини мустақил равишда синаб кўришларига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: «“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва фойдаланиш методикаси бўйича олинган натижалар:

умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани таълим олувчилар ўртасида маълумот алмашиниш, янги тасаввурлар, ғоя ва фикрлар электрон таълим муҳитини яратиш функциясини визуал тасвирлаш имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар И-ОТ-2019-8-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларининг табиий (физика ва биология) фанлари учун янги авлод электрон ўқув-методик қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 декабрдаги 02-07-4265/04-сон маълумотномаси). Натижада, 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш методикаси ҳамда таълим сифати мониторинги самарадорлигини ошириш имконини яратган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс фаолияти мониторингини олиб боровчи 3D форматли электрон қўлланма мазмуни тескари алоқани ўрнатиш, ўқувчининг мотивациясини мақсадли ошириш, креатив фикрлашини мотивацион ривожлантириш тамойилларга асосланган электрон-таълимий ресурслар мазмуни такомиллаштиришга оид тавсиялар И-ОТ-2019-09-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида шахмат фани бўйича 3D интерактив ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва жорий қилиш”

мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида яратилган видео дарсларни шакллантиришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 декабрдаги 02-07-4265/04-сон маълумотномаси). Натижада, 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини таҳлил этишга эришилган.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолияти мустақил ижодий имкониятларини ахборот тизимларини қуриш тамойиллари, мантиқий маълумотлар моделларини босқичма-босқич кенгайтириш, касбий-яратувчанлик, аналитик-синтетик тафаккур параметрларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар ОТ – Атех-2018-519 “КИМлар асосида виртуал ресурслар Web иловасининг дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 декабрдаги 02-07-4265/04-сон маълумотномаси). Натижада, 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанида ўқувчилар ўқув фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таълим ресурсларини яратиш имкониятини кенгайтирган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан электрон таълим муҳитида 3D форматли электрон қўлланмаларни қўллаш самарадорлиги тасодифий функциялар статистик назариясидан фойдаланиш негизида натижавий модел аниқлиги бўйича назоратлаш элементларини электрон контент ва автоматик баҳолаш имкониятларига трансформациялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар И-ОТ-2019-8-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларининг табиий (физика ва биология) фанлари учун янги авлод электрон ўқув-методик қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 декабрдаги 02-07-4265/04-сон маълумотномаси). Натижада, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс фаолияти мониторингини олиб боришнинг интеграллашган электрон тизимини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 3та республика ва 5та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14та илмий-услубий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 5та мақола, шулардан 4таси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот юзасидан нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланмалар яратиш ва фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда умумий ўрта таълим мактабларида 3D форматли электрон қўлланмалар яратиш ва фойдаланишга оид педагогик муаммолар, Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг замонавий воситалари ҳамда 3D форматли электрон қўлланмани яратишга талаб ҳамда тамойилларига оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

“Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили жамиятда соҳага оид туб ўзгаришларни вужудга келтирди, яъни таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси ва методологияси, ўқув жараёнида интернет технологияларидан фойдаланиш усуллари, масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш, визуализация тамойилини кучайтириш ва қизиқарли ташкил этишнинг таълим самарадорлигини ошириш. Бу муаммолар бўйича юртимиз олимларидан А.А.Абдукодиров, М.Х.Алламбергенова, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Ф.М.Закирова, М.Х.Лутфиллаев, Д.Н.Маматов, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлаков, С.Қ.Турсунов, Р.Х.Ҳамдамов, Г.С.Эргашева, З.Х.Юлдашевлар.

Таълимда 3D моделлаштириш технологияларидан фойдаланиш бўйича хорижий олимлардан М.А.Gricz, А.V.Degtyareva, D.A.Chebotareva, M.Lin, С.А.Латушкина, Е.А.Михлякова, О.А.Мудракова, Е.Novak, Т.Н.Суворова, S.Wisdomлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Электрон таълим муҳитида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, модернизациялаш, инновацион технологиялар асосида фанни ўқитишни ривожлантириш, фанга оид дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Методист олимларнинг изланишлари ушбу муаммоларнинг ечими ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган ўқув жараёнини такомиллаштириш ахборот-таълим муҳити ўқувчиларнинг ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, визуализация тамойилини кучайтириш

ва қизиқарли ташкил этиш восита сифатида хизмат қилиши илмий-тадқиқотчилар томонидан исботланган.

Айни пайтда, фанларнинг ўқитишга оид муаммолар тобора фаоллашиб бормоқда, бу мактаб ўқувчиларининг тайёргарлигини пасайиши, фанни мустақил ўрганиш бўйича ўқув-маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Бу борада, А.К.Алжановнинг фикрига кўра, электрон таълим нафақат таълим сифатини ошириш, таълим тизимининг глобал таълим маконига муваффақиятли кўшилишининг шарти бўлибгина қолмай, балки таълим хизматлари бозорида, унинг рақобатдошлигини оширишга имкон беради. Бу эса, интернет тармоғига мўлжалланган 3D форматли электрон қўлланмани яратиш ва ундан фойдаланиш тезкор алоқани таъминлайди, қисқа вақт ичида керакли маълумотларни тезда топиш, вақтни тежаш, билимларни тезда текшириш ва ўқув-маълумотларини янгилаш имкониятини беради. Шу сабабли, дастурни амалга ошириш жараёнида электрон дарлик ва электрон қўлланмаларга қўйиладиган талаблар ва тамоиллари ўрганилиб уларни 3D форматли электрон қўлланмани яратишга қўллаш ва унга мос қилиб такомиллаштирилади.

Ўрганиш жараёнида ва илгари сурилган вазифалар далиллари асосида таълим тизимининг ахборот инфратузилмаси яратилади, бу эса, ўз навбатида:

ўқувчиларга Интернет тармоғи орқали “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

ушбу кўрсатиб ўтилган вазифани бажариш учун замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғида замон талабларига мос 3D форматли электрон қўлланмани яратиш (3DS Max, Maya, NewTek LightWave, Softimage|XSI, Rhinoceros 3D, CINEMA 4D, Zbrush, Blender, K-3D, Wings 3D) воситалари ёрдамида (ҳар бир мавзуга оид визуал ва аудио маълумотлар бўлиши; вақти-вақти билан рангларнинг ёрқинлиги ўзгариши; визуал тарзда тайёрланган ўқув-маълумотларнинг мазмунини дарсликка мос бўлиши) лозим. Шунингдек, К.Д.Ушинскийни фикрига кўра, ўқитишда техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш, ўқувчининг диққатлилиқ, барқарорлик, диққатлилиқ даражаси, диққатнинг тақсимланиши каби психологик хусусиятларини ривожлантиради деб ҳисобланиб, педагогик сценарийларни қайта ишлаш, лойиҳалаш ва амалиётга тадбиқ этиш учун қуйидаги босқичларда амалга оширилишни тавсия этган: дидактик мақсадларини аниқлаш; ўқув воситани таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш; техник ишларни бажариш; таълим муассасаларида апробациядан ўтказиш орқали камчиликларини аниқлаш ва уларни коррекциялаш; ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича услубий таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиш. Шу боис, 3D форматли электрон қўлланмани яратишда квантлаш, тўлақонлилиқ, кўрғазмалилик, бошқарувчанлик, мослашувчанлик, компьютер кўмаги ва йиғувчанлик каби тамойилларга амал қилиш лозим. Бугунги замон талабига мос электрон ўқув-методик таъминот яратиш катта маҳорат талаб қиладиган ва узок давом

этадиган жараён. Глобал тармоққа мўлжалланган электрон ўқув-методик таъминот “Информатика ва ахборот технологиялари” таълими жараёнида яхши самара бераётган ва уларга катта эҳтиёж сезилаётган ҳозирги кунда ҳар бир предмет, курс учун бундай воситаларни яратиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун тадқиқот доирасида юқорида келтирилган тамойилларга асосланган ҳолда ахборот-таълим платформаси яратилди. Ушбу таълим платформаси умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчилари ва ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, қуйидаги имкониятларга эга. Ўқитувчи учун: зарурий методик ўқув воситалар билан таъминлаш; ўқувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилиш; ота-оналар билан онлайн тарзда фикр алмашиш. Ўқувчи учун индивидуал ва дифференциал таълим олишини таъминлаш; маълумотларни 3D форматда кўриш; мустақил таълим олиши учун зарурий ўқув воситалар билан таъминлаш; ўзини-ўзи онлайн равишда баҳолаш; тесқари алоқани ўрнатиш; ўқувчининг мотивациясини ошириш, креатив фикрлашини ривожлантириш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Умумий ўрта таълим мактаблари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва фойдаланиш методикаси”** деб номланиб, ушбу бобда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланмада яратиш методикаси, ундан фойдаланиш имкониятлари ва 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланиб ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси ҳамда синфдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган.

Бугунги кунда илм-фанни тез суратлар билан ривожланиб бориши ҳамда замонавий ўқитиш технологиялари ва воситаларининг такомиллашуви туфайли узлуксиз таълим тизимига рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш вазифаси қўйилмоқда. Таълим тизимида рақамли таълим технологияларини қўллаш, асосан, компьютернинг педагогик дастурий ва мультимедиа воситаларини ҳамда булутли технологияларни яратилиши ва уларнинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ. Таълимнинг электрон шаклининг асосий ғояси болаларга маълумот излаш ва танлаш имкониятини беришдир. 3D форматдаги электрон қўлланмалардан фойдаланишни ташкил этишга имкон берадиган ресурсларни яратиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, замонавий ахборот таълим муҳитларини, унга мос электрон таълим ресурсларни, жумладан, 3D форматли электрон қўлланмаларни яратиш методикасини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис, Информатика ва ахборот технологиялари фанидан Интернет тармоғига мўлжалланган 3D форматли электрон қўлланманинг яратиш босқичлари қуйидагича (1-расмга қаранг). Натижада ўқувчилар учун кутилган зарурий воситага айлантирувчи хоссаларга эга аудитория машғулотлари учун фойдали бўлган ва ўқитувчилар учун қулай фойдаланишга тайёр 3D форматдаги электрон қўлланма яратилади.



1-расм. 3D форматли электрон қўлланмани яратиш босқичлари


Қуйдаги босқичлар асосида 3D форматли электрон қўлланма яратилди ва унинг имконияти ананавий дарсликка нисбатан бир қанча қулайликка эга (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

3D форматли электрон қўлланма ва ананавий дасрнинг имкониятлари

Т/р	Электрон таълим муҳитида 3D форматли электрон қўлланманинг имкониятлари	Аннанавий дасрнинг имкониятлари
1	Электрон мониторинг	Хар бир ўқувчини битталаб давоматинини олиш
2	Электрон матнли	Дарсиқда матини турли рангларда эмаслиги
3	3D форматли аудио ва видеолар	-
4	Мавзуга оид маълумотларни 3D кўриниши	Аниматция ва рангли маълумотларни йўқлиги
5	Электрон кўргазмали қуроолар	Дарслиқда кўргазмали қуроолардан фойдаланишни имкони йўқлиги
6	Мустақил равишда ўзини-ўзи баҳолаш	-
7	Дарслиқдаги тасвирларни 3D ва анимацион шаклда тақдим этиш	Оддий чизма орқали
8	Фойдаланиш кўлами чекланмаган	1 та дарслиқдан бир киши фойдаланиш имконияти
9	Маълумотларни тез қидириш	-

Маскур 3D форматли электрон қўлланма Интернет тармоғининг жойлаштирилди ҳамда ундан фойдаланиб, 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели такомиллаштирилди (2-расмга қаранг).




2-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланиш модели

3D форматли электрон қўлланмаларнинг қулайликларидан бири, фанни мустақил равишда ўзлаштиришни, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш орқали ўқув-маълумотларни 3D форматли кўриш ва ҳар томонлама мукамал ўзлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, унда илмий ва услубий ўқув-маълумотларнинг мужассамлашганлиги, кўргазмаларга бойлиги, яъни турли хил анимация эффектлар ва 3D форматли видеолардан фойдаланганлиги, интерактивлигини ҳисобга олинганлиги билан анъанавий ўқув-услубий қўлланмалардан афзалроқдир. Шу боис, ушбу ўқув воситани умумий ўрта таълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” таълим жараёнига кенгроқ тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири саналади.

Умумий ўрта таълим мактабларида дарс машғулотлари 45 дақиқа давомида ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида олиб борилади. Ўтиладиган мавзунини ўқитувчилар томонидан ўқув-маълумотлар турли хил усуллардан фойдаланиб баён этилади. Бунда ўқувчилар “Информатика ва ахборот технологиялари” дарсларининг маълум қисмларини фаол ўзлаштира олиши мумкин. Бу жараёни тўғри йўлга қўйиш учун ўқитувчилар фақат йўналтирувчи куч бўлиб, янги мавзуга доир фикрлатувчи кетма-кет саволлар бериб, кўпроқ ўқувчиларнинг ўзларини изланишга, мустақил фикрлашга йўналтириш лозим. Бунинг натижасида мантиқий саволлар кетма-кетлиги асосида ўқувчиларнинг тафаккур қилиш қобилиятлари ривожлантирилади. Ушбу жараёнларни 3D форматли электрон қўлланмалар ёрдамида самарали ташкил этиш имконияти мавжуд. Шу боис, 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини 3D форматли электрон қўлланмалар ва ўқитиш (мулоқот, ақлий ҳужум) технологияларини интеграциялаш асосида янги мавзунини баён босқичлари ва дарс ўтиш методикаси ишлаб чиқилди.

Бу эса, умумий ўрта таълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан Давлат таълим стандартлари ўқувчининг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар меъёрланган бўлиб, уни ўқувчилар дарс давомида тўлиғича ўзлаштириш имкони мавжуд эмас. Шунинг учун ўқитувчи ўқитишнинг зарурий шакли бўлган уй вазифалари ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятида ўқувчиларнинг муайян кўникма ва малакаларини эгаллашларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун эса, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу интерфаол ўқитиш усулларидан бири бу, 3D форматли электрон қўлланмаларни айтиш мумкин. 3D форматли электрон қўлланма ҳамда таълим порталлари ва платформаларидан дарсдан ташқари ўқув фаолиятида (ахборот ресурс марказлари, тўғараклар ва ўқув курслари ва мустақил таълим (уй шароитида)) фойдаланиш учун, авваламбор, ундан фойдаланиш тузилмаси ва босқичлари такомиллаштирилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Информатика ва ахборот технологиялари фанидан дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этишнинг тузилмаси

3D форматли электрон қўлланмадаги электрон таълим ресурслар (тақдимотлар, 3D видео дарслар, анимациялар, кўргазмали воситалар, тест) ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарсдан ташқари ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятини яратади.

Шу боис, тадқиқот доирасида, 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш учун Интернет тармоғининг 3D форматли электрон қўлланмани жойлаштирилди. Ушбу 3D форматли электрон қўлланма 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мустақил ўқув фаолияти учун куйидаги имкониятларни яратади: мавзуларга оид маълумотларни визуал шаклда яни 3D форматда ўрганиш; индивидуал таълим олишни таъминлайди; маълумотларни 3D форматли кўриш; исталган вақт ва жойда мустақил таълим олиш; фанга оид билимини онлайн баҳолаб кўриш.

Ушбу тадқиқот доирасида яратилган 3D форматли электрон қўлланма 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини ошириш учун замонавий педагогик диагностик дастурий восита бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълим мактаблари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси” деб

номланган учинчи бобида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини 3D форматли электрон қўлланма ёрдамида ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини 3D форматли электрон қўлланма ёрдамида ўқитишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 24-сонли ва Оқдарё туманидаги 15-, 34-сонли, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 15-, 134-, 219-сонли ва Жиззах вилояти Ғалаорол туманидаги 6-, 83-сонли умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари учун жами 503 нафар 5-синф ўқувчилари жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда (ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи) олиб борилди.

Тажриба-синов ишининг биринчи босқичи (ташхис ва башорат қилиш) 2018-2019 ўқув йилда тадқиқот мавзусига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (фармон ва қарорлар), илмий манбалар (мақолалар, монографиялар ва диссертациялар), ўқув-услубий адабиётлар (услубий ва ўқув қўлланмалар, дарсликлар), электрон таълим ресурслар (электрон дарсликлар ва амалий, тақдимотли, ўргатувчи дастурлар, 3D форматли электрон қўлланмалар), ахборот таълим муҳитлари (порталлари, платформалари ва web-сайтлар) таҳлил қилинди. Шунингдек, мавзунинг долзарблиги ва зарурати ўрганилди, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усули белгиланди, педагогик тажриба-синов ўтказиш учун режа ва дастур ишлаб чиқилди ҳамда мамлакатимизнинг умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов ўтказиладиган мактаблар, уларда қатнашадиган ўқитувчилар ва ўқувчилар сони белгилаб олинди.

Тажриба-синов ишининг иккинчи босқичи (ташкилий-тайёргарлик) 2019-2020 ўқув йилда мамлакатимиздаги 8 та умумтаълим мактабларидан иштирокчилар вазифалари аниқлаштирилди. 3D форматли электрон қўлланманинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди. 5-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан Интернет тармоғига мўлжалланган 3D форматли электрон қўлланмани яратиш босқичлари, синовдан ўтказиш, таҳрир этиш ва фойдаланиш учун топшириш босқичлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Тажриба-синов ишининг учинчи босқичи (амалий) 2019-2020 ўқув йилда 5-синф Информатика ва ахборот технологиялари фанидан Интернет тармоғида 3D форматли электрон қўлланма яратилди. Мазкур қўлланмани синовдан ўтказиш ва сифат даражасини аниқлаш учун юқорида қайд этилган умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари ва Информатика ўқитувчилар ҳамда психологлари жалб этилди. Ушбу мактаб ўқитувчи ва психологлари томонидан яратилган 3D форматли электрон қўлланманинг мазмуни ҳамда

ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятларига қай даражада жавоб бериши бўйича баҳолаш мезонлар ишлаб чиқилди ва улар баҳоланди.

Тажриба-синов ишининг тўртинчи босқичи (умумлаштирувчи) 2020 йилда олинган сонли маълумотлар умумлаштирилиб, унинг ишончилиги Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил этилди.


Тажриба-синов ишларида қатнашган ўқувчиларнинг умумий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларига мос вариацион қаторлар

		1-танланма			
Тажриба гуруҳи	X_i	5 (юқори)	4 (ўрта)	3 (паст)	Умумий сони
	n_i	94	131	28	$n=253$
		2-танланма			
Назорат гуруҳи	Y_j	5 (юқори)	4(ўрта)	3 (паст)	Умумий сони
	m_j	61	115	74	$m=250$

Мазкур 2-жадвалдаги сонли қийматларнинг ўзлаштириш динамикаси куйидагича (4-расмга қаранг):



4 -расм. 5-синф ўқувчиларининг ўзлаштириш динамикаси

2-жадвалда қайд этилган сонли маълумотларнинг Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлили ўтказилди. Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ($K_{усб}=1,02>1$) ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катта эканлигини ($K_{одб}=0,44>0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари назорат гуруҳидан юқори миқдорга эга. Ушбу кўрсаткичлар фоизларда ҳисобланганда тажриба гуруҳидаги самарадорлик назорат гуруҳига нисбатан 13,33 % га ошишига эришилганлиги аниқланди.

Демак, юқорида келтирилган статистик таҳлиллар 3D форматли электрон қўлланма ўқувчиларнинг таълим олишини таъминлаш тизим самарадорлиги ва натижадорлигини оширади деган фаразнинг тажриба-синов натижаларига кўра, тасдиқланганлигини эътироф этиш мумкинлигига асос яратади.

ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим мактаблари учун Информатика ва ахборот технологиялари фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси мавзусида олиб борилган илмий-назарий ва услубий-амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 3D форматли электрон қўлланма яратишга доир ижтимоий, психологик, педагогик, методик адабиётларни илмий назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш 3D форматли электрон қўлланмани яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, тамойиллар, ўқув адабиётларининг тузилиши, шакллари ва турларини бир бутун яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш лозимлигини белгилади. 3D форматли электрон қўлланмани яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, тамойиллар ишлаб чиқилган, лекин уларни бугунги таълим-тарбия тизимида кечаётган ислохотлар нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда илмий жиҳатдан такомиллаштирилган.

2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича 3D форматли электрон қўлланмалар яратишда фанга оид илмий ва амалий аҳамиятга мойилик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар, тушунчалар берилиши билан биргаликда, даставвал улар ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилиши, фанлараро боғланишда такрорлашнинг олдини оладиган изчил кетма-кетликка асосланган уйғунликнинг бўлиши ва замонавий ахборот технологияларининг таълимга тезкор кириб келишини инобатга олинган.

3. Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида 3D форматли электрон қўлланмалар яратиш талаб ва тамойиллари белгиланди, уларни яратиш босқичлари илмий асосланди, тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. 3D форматли электрон қўлланма яратиш босқичлари, хусусан, мақсад ва вазифаларни аниқлаш, электрон қўлланмани тузиш-режалаштириш, электрон қўлланмани яратишда қайси дастурий воситалардан фойдаланиш, электрон қўлланмани яратишда талаб ва тамойилларни эътиборга олиш, танлаб олинган фандаги мавзуларни танлаш, синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топшириш босқичлари илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

4. Таълим тизимида 3D форматли электрон қўлланмалар яхши самара бериши ва уларга катта эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Электрон ўқув адабиётлари яратиш олтита босқичга бўлинди ва улар илмий нуқтаи назардан асосланди. Узлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув адабиётлар яратиш, улардан масофали таълимда фойдаланишнинг педагогик имкониятлари очиб берилди. Шулар асосида умумий ўрта таълим мактаблари 5-синфи учун

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан 3D форматли электрон қўлланма яратилган.

5. Яратилган 3D форматли электрон қўлланмалар республикамизнинг кўпчилики умумий ўрта таълим мактаблари амалиётида тажриба-синовдан ўтди. Анъанавий дарслик ва 3D форматли электрон қўлланмадан фойдаланиб тажриба-синов ишлари ўтказилгандан кейин олинган кўрсаткичлар тажриба синфлариники назорат синфдагиларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди, жумладан, ўқувчиларни ўртача ўзлаштириш бали 5 баллик тизимда 3,9 дан 4,3 га ошган. Синов натижалари яратилган 3D форматли электрон қўлланмаларни таълим жараёнида қўллаш самарали эканлигини исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ИСАКУЛОВ ТУЛКИН МАХМУД ОГЛЫ

**МЕТОДИКА СОЗДАНИЯ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОГО
ПОСОБИЯ 3D-ФОРМАТА ПО ПРЕДМЕТУ «ИНФОРМАТИКА
И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ»
(НА ПРИМЕРЕ 5-ГО КЛАССА)**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Доктора философии (PhD) зарегистрирована за №B2020.1.PhD/Ped1508 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – www.tdpu.uz, а также информационно-образовательном портале "ZiyoNet" – www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:

Турсунов Самар Кушевич

кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Карлыбаева Гулвахан Ермакбаевна

доктор педагогических наук, доцент

Маматов Дилмурод Нормуратович

Доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» 08 2022 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № 1503). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86).

Автореферат диссертации разослан «13» 08 2022 года.

(Протокол реестра за № 93 «08» 2022 года).



Б.С. Абдуллаева

председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Г. Исмаилов

секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А. Муслимов

председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В образовательных учреждениях по всему миру в практику внедряются креативные модели создания и использования электронных ресурсов 3D-формата. В новой концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями образование признано в качестве "...главной движущей силой прогресса и важной деятельностью, ведущей к целям устойчивого развития", вместе с тем ведутся системные работы по использованию информационно-образовательных технологий, открытых образовательных ресурсов, массовых открытых онлайн-курсов, мобильных образовательных технологий при совершенствовании методов качественного обучения, оценки результатов освоения, применению возможности 3D-технологий в системе управления образованием и в среде электронного обучения, а также в образовательных учреждениях и школах.

В мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях проводятся научно-исследовательские работы, направленные на создание нового поколения дидактических материалов и электронных пособий, предназначенных для глубокого изучения предмета "Информатика и информационные технологии", а также на изучение особенностей технологических подходов, влияющих на эффективность преподавания. Также особое внимание уделяется научно-исследовательским работам по формированию у обучающихся компетенций работы с информацией, по предмету "Информатика и информационные технологии", научному обоснованию взаимосвязи данного учебного предмета с другими дисциплинами, укреплению методических и практических основ преподавания предмета.

В последние годы в нашей республике создаются нормативные основы инновационного развития общего образования, достижения качества образования и доведения уровня знаний обучающихся до международных требований, расширения использования информационно-образовательной среды в преподавании предмета "Информатика и информационные технологии". В качестве приоритетных задач были определены "совершенствование методов обучения, последовательное внедрение принципов индивидуализации в процесс обучения и воспитания, развитие научных исследований практического характера, направленных на изучение и научное обоснование альтернативных подходов". В этом отношении расширятся возможности создания активной среды электронного обучения, направленной на получение асинхронного образования по предмету "Информатика и информационные технологии" 5 класса, совершенствования диагностического аппарата оценки знаний учащихся, структуры обучения на основе интеграции образовательных технологий и электронных пособий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан

№ УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, №УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, определенных в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4851 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией» от 6 октября 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Исследования теории и методологии внедрения информационно-коммуникационных технологий в образование, методов использования Интернет-технологий в учебном процессе, технологий дистанционного обучения были проведены А.А.Абдукадыровым, Б.С.Абдуллаевой, С.Х.Алибоевым, М.Х.Алламбергеновой, А.Д.Аскарковым, У.Бегимкуловым, Н.М.Гафуровой, Р.Х.Джураевым, А.К.Жамоловым, Ф.Закировой, А.Е.Ибраимовым, А.З.Каримовым, М.Х.Лутфуллаевым, Д.Н.Маматовым, У.М.Мирсановым, Н.А.Муслимовым, А.Х.Нишоновым, Б.М.Суроповым, Н.И.Тайлаковым, У.Н.Тайлаковым, С.Қ.Турсуновым, Р.Х.Хамдамовым, Ш.Шадмановым, Т.Т.Шоймардоновым, Г.С.Эргашевой, З.Х.Юлдашевым;

Из ученых СНГ, исследования в области функциональных возможностей электронно-образовательной среды, современных электронно-образовательных ресурсов и их дизайна проводили А.А.Андреев, О.Е.Белова, В.А.Брылёва, Н.А.Гончарова, Ю.П.Господарик, В.В.Гура, А.В.Данилькевич, З.Н.Исмаилова, В.А.Куклев, Э.С.Матосов, А.Л.Назаренко, О.А.Тарабрин, А.Ю.Уваров, А.В.Хуторской, Э.П.Черняева, А.Чирцов, Е.В.Якушина.

Зарубежными учеными, такими как P.Alfred, K.C.Barker, M.A.Gricz, A.V.Degtyareva, O.Jennifer, J.Zhang, O.Erstad, C.A.Латушкина, M.Lin, E.A.Михлякова, O.A.Мудракова, E.Novak, M.L.Koole, B.Means, W.Olatokun, K.Peters, M.Sugata, T.H.Суворова, D.A.Chebotareva, J.Traxler, B.Furuholt, S.Wisdom были исследованы проблемы формирования электронно-образовательной среды, создания электронно-образовательных ресурсов и их использования.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта №ПЗ-2014-0910154408 на тему «Создание и внедрение в практику информационно-коммуникационной среды в общеобразовательных средних школах» (2014-2017гг.) плана научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук.

Целью исследования является разработка рекомендаций по совершенствованию методики создания электронного учебного пособия 3D-формата по предмету “Информатика и информационные технологии” в средних общеобразовательных школах.

Задачи исследования:

анализ педагогических возможностей использования электронного пособия 3D-формата, составляющего учебные процессы по предмету "Информатика и информационные технологии" в средних общеобразовательных школах;

совершенствование интегрированной электронной системы мониторинга учебной деятельности по предмету “Информатика и информационные технологии” на основе электронного пособия 3D-формата;

